

Саттикулова Гавхарнисо Ахмадхановна  
ТДШИ катта ўқитувчиси

## ИЖТИМОЙ СОҲАГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР – МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ

**Аннотация.** Мақолада ижтимоий соҳага инвестициялар киритишининг аҳамияти ёритиб берилган, сўнги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий объектларга киритилган инвестициялар динамикаси таҳлил қилинган, аҳолини уй-жой билан таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўрганилган ва бу соҳада мавжуд муаммолар аниқланган, ушбу муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклифлар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** ижтимоий соҳа, инвестиция, ижтимоий объектлар, уй-жой қурилиши, муҳандислик-транспорт коммуникациялари, инфратузилма объектлари.

**Аннотация.** В статье раскрыто значение инвестиций в социальную сферу, проанализирована динамика инвестиций на социальные объекты Узбекистана, изучены меры по обеспечению населения жильем и выявлены проблемы в данной сфере, предложены рекомендации по их решению.

**Ключевые слова:** социальная сфера, инвестиция, социальные объекты, строительство жилья, инженерно-транспортные коммуникации, объекты инфраструктуры.

**Annotation.** The article reveals the importance of investments in the social sphere, analyzes the dynamics of investments in social facilities in Uzbekistan, studies measures to provide housing for the population and identifies problems in this area, offers recommendations for solving them.

**Key words:** social sphere, investment, social objects, housing construction, engineering and transport communications, infrastructure facilities.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва рақобатбардошлиги ижтимоий соҳага сарфланаётган инвестициялар ҳажми ва таркибига чамбарчас боғлиқ. Зеро, ҳар қандай ислохотлардан кўзда тутилган мақсад ҳам ижтимоий вазифаларни, яъни аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдан иборат. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек, “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислохотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ.

Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак. Шу мақсадда, мактабгача таълим

тизимини ривожлантиришимиз, ўрта ва олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилашимиз керак. Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, биз учун ҳаётий муҳим масаладир”<sup>1</sup>.

Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, мавжуд табиий-иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ижтимоий соҳа объектларининг ривожланиши муҳим ўрин эгаллайди. Ижтимоий соҳа объектларининг роли унинг инсон капиталини такрор ишлаб чиқаришдаги фаол иштироки билан белгиланади. Ижтимоий инфратузилма тармоқларининг ривожланиши аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга, фаровонлигини оширишга, соғлом, ижодий фаол авлодни такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилади. У аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлашга, инсон ҳаёти фаолиятининг социомаданий соҳаларини барпо этишга, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг асоси сифатида ишловчиларнинг касбий даражаларини яхшилашга хизмат қилади.

Шу сабабли сўнгги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий объектларни ишга туширишга, уларни реконструкция ва модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2018 йилда жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 16,5 фоизини турар жой қурилишига ўзлаштирилган инвестициялар ташкил этиб, унинг умумий қиймати 17695,8 млрд. сўмга тенг бўлди.

Маълумки, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда унинг уй-жой билан таъминланиши асосий ўрин тутди. Уй-жойга бўлган эҳтиёж аҳолининг биринчи даражали эҳтиёжлари жумласига кириб, узоқ вақт хизмат қиладиган ва энг қиммат ҳаётий заруриятдир. Уй-жой кишиларни мақбул турмуш тарзи билан таъминлайди, яшаш учун қулай муҳит яратади ва аҳоли ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Шу мақсадда сўнгги йилларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Статистик маълумотлар шундан далтолат берадики, 2018 да умумий майдони 12078,1 минг кв.м (2017 йилга нисбатан 5,4 фоизга кўп) бўлган 79,2 минг хонадонга эга 88,0 минг турар жойлар, жумладан 8359,8 минг кв.м. (106,7 %) қишлоқ жойларда ишга туширилди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // «Халқ сўзи», 2018 йил, 29 декабрь. № 271–272 (7229–7230)



## Ўзбекистонда янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш

	Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан:			
	Ишга туширилди		2017 йил мос даврига нисбатан % да	
	жами	жумладан қишлоқ жойларда	жами	жумладан қишлоқ жойларда
Турар жойлар умумий майдони, минг кв.м.	12078,1	8359,8	105,4	106,7
улардан: якка тартибдаги турар жойлар	10370,3	6898,0	114,9	110,5
намунавий лойиҳалар асосида шаҳар ва қишлоқларда қурилган якка тартибдаги турар жойлар	1653,7	1453,3	99,5	92,0
Касалхоналар, ётоқ	6032	570	141,3	132,6
Поликлиникалар (ҚВП ларни қўшган ҳолда), катнов	19368	10150	251,4	261,9
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, ўқувчи ўрни	77436	35204	82,0	69,4
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни капитал таъмирлаш, бирлик	156	х	102,6	х
Сув тармоғи, км	3951,4	3508,9	159,9	177,9
Газ тармоғи, км	165,0	131,7	54,1	80,3

Манба: Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – Б.116.

2018 йилда коммунал соҳа объектлари қурилишида 3951,4 км сув тармоғи (3508,9 км қишлоқ жойларда) ва 165,0 км газ тармоғи (131,7 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, улар 2017 йилга нисбатан 159,9 % ва 54,1 % ни ташкил этди. Қишлоқ жойларда мос равишда 177,9 % сув тармоғи ва 80,3 % газ тармоғи ишга туширилди.

2018 йилда Ўзбекистонда умумий майдони 10370,3 минг кв.м. ёки 2017 йилга нисбатан 114,9 % якка тартибда қурилган турар жойлар ишга туширилди. Шу билан бирга, қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар қурилиши бўйича Давлат дастурининг бажарилиши натижасида

2018 йилда умумий майдони 1653,7 минг кв.м. бўлган 16,7 минг турар жой, 2017 йилга нисбатан 99,5 % турар жойлар қурилиши якунланди.

### Ўзбекистонда 2018 йилда ишга туширилган турар жойлар

	Ишга туширилди, жами		Улардан: якка тартибдаги турар жойлар	
	минг кв.м	2017 йилга нисбатан % да	минг кв.м	2017 йилга нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	12078,1	105,4	10370,3	114,9
Қорақалпоғистон Республикаси	812,6	115,8	712,8	124,0
Андижон	1018,9	126,5	847,2	128,6
Бухоро	1209,5	148,6	1064,7	164,6
Жиззах	588,0	106,4	457,0	103,9
Қашқадарё	1137,2	96,4	948,0	104,3
Навоий	668,0	104,8	595,8	125,8
Наманган	1151,1	106,7	1024,4	105,8
Самарқанд	990,9	100,5	828,6	111,0
Сурхондарё	1071,0	105,6	955,2	108,6
Сирдарё	128,6	75,3	82,0	129,6
Тошкент	919,5	89,5	826,4	95,0
Фарғона	1086,8	137,0	887,2	146,0
Хоразм	700,9	79,6	614,8	85,1
Тошкент ш.	576,7	70,8	526,2	112,8

Манба: Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – Б.117.

Касалхоналар, амбулатор-поликлиника муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари янги қурилиши ва реконструкцияси учун 2018 йилда 1148,0 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу соғлиқни сақлаш фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 42,3 % ини ташкил этди.

2018 йилда касб-ҳунар коллежлари қурилиши ва реконструкциясига 61,1 млрд. сўм ўзлаштирилиб, таълим фаолият турига ўзлаштирилган инвестицияларнинг 2,2 % ини ташкил этди.

Таълим жараёнини сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган чора тадбирлар натижасида умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар қурилиши ва реконструкцияси учун 2018 йилда жами 627,4 млрд. сўм ўзлаштирилиб, таълим фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 22,6 % ини ташкил этди. Шунингдек, 2018 йилда сув тармоғи қурилишида 966,4 млрд. сўм, газ тармоғлари қурилишида 9,1 млрд. сўм ўзлаштирилди.

Юқоридаги ижобий жиҳатлар билан бирга дастур ижро қилинишини ўрганиш якунлари қишлоқ жойларда арзон уй-жойларга талаб юқори эканлигини кўрсатди, янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этадиган уй-жойлар

қурилишини ташкил этиш ва муҳтож оилаларни арзон уйлар билан таъминлаш бўйича бир қатор жиддий камчиликлар аниқланди:

биринчидан, намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига кирадиган ер участкаларидан фойдаланиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Хусусан, жорий йилда мазкур мақсадлар учун туман ҳокимликлари томонидан ажратилган 1065 гектар ернинг 60 гектарга яқини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига киради;

иккинчидан, қурилаётган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларнинг нарҳини мақбуллаштириш ҳамда энергия самарадор ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг арзон қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда меъморий ва техник ечимларни қўллаш етарли даражада таъминланмаяпти;

учинчидан, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилишида ўзаро уйғунлик таъминланмаётгани натижасида республика бюджети, мақсадли жамғармалар ва ижрочилар маблағлари ортиқча сарф қилинмоқда;

тўртинчидан, намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуришда шаҳарсозлик норма ва қоидалари талабларини бузиш, қурилиш-монтаж ишларини сифатсиз бажариш, лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 24 ноябрда «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4028 сонли қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, арзон уй-жойлар қурилишини самарали ташкил этиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли пунктларининг муҳандислик-транспорт коммуникацияларини ва инфратузилмасини ривожлантириш орқали аҳолининг уй-жойга бўлган юқори талабини тўлиқ қондириш мақсадида қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш ва муҳтож оилаларни арзон уй-жой билан таъминлашнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

– уй-жойларни ҳудудий оптимал жойлаштириш ҳамда улар учун фақат қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва ўрмон фонди ерлари тоифаларига кирмайдиган ер участкаларини тақдим этиш ҳисобига ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

– кам таъминланган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун мўлжалланган арзон уй-жойлар қуриш кўламини кенгайтириш;

– уй-жойларнинг нарҳини пасайтириш ва энергия самарадорлигини ошириш мақсадида меъморий ва техник ечимларни мақбуллаштириш, маҳаллий қурилиш материаллари, ускуналар ва замонавий деворбоп материалларни кенг

қўллашни назарда тутувчи янги намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларни қуриш;

– уй-жойларни тақдим этишда манзиллилик, шаффофлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш тамойилларини инобатга олган ҳолда қишлоқ жойларда яшовчиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва уй-жойга муҳтож оилаларнинг эҳтиёжини қондириш;

– муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қурилишини «Обод қишлоқ» дастури билан ўзаро уйғунликда ташкил этиш, шунингдек, қишлоқ жойларда самарали канализация тизимларини жорий этиш.

Дастур доирасида, 2019 йилдан бошлаб қуйидаги янги намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши амалга оширилади:

– «Обод қишлоқ» дастурига киритилган аҳоли пунктларида, шунингдек, аҳолиси зич бўлмаган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланмаган ҳудудларда 0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали (ёнма-ён қуриладиган) арзон уйлар;

– «Обод қишлоқ» дастурига киритилган аҳоли пунктларида, шунингдек, аҳоли зичлиги юқори бўлган ва зарур муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан таъминланган ҳудудларда тўрт қаватли арзон кўп квартирали (2 ва 3 хонали) уйлар;

– шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари учун беш қаватли арзон кўп квартирали (2 ва 3 хонали) уйлар.

Бунда бўш ер участкалари мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларида арзон кўп квартирали уйларни қуриш йўл бўйларида жойлашган яроқсиз уй-жойлар, бино ва иншоотларни бузиш ҳисобига бўшаган ҳудудларда чизиқли-қаторли кўринишда жойлаштирган ҳолда амалга оширилади.



## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4047-сон фармони. //”Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли фармони. // <http://lex.uz/docs/4168749>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028 сонли Қарори // <http://lex.uz>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма [Матн]. – Т.: «Маънавият», 2019. – 312 бет.
5. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – 333 б.